



## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

**Аманов Абдоржон Абдуллаевич**

Юридик фанлар бўйича фалсафа

доктори (PhD), доцент

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10007079>

### ARTICLE INFO

Received: 08<sup>th</sup> Oktober 2023

Accepted: 15<sup>th</sup> Oktober 2023

Online: 16<sup>th</sup> Oktober 2023

### KEY WORDS

Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, ички ишлар органлари, ҳуқуқбузарликлар профиликтакаси хизматлари, фуқаролик жамияти институтлари, ҳамкорлик.

### ABSTRACT

Мақолада ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигига оид миллий ва хорижий тажриба хусусида фикр юритилиб, мазкур ҳамкорликка оид хорижий тажрибанинг илғор ютуқларини миллий тизимимизга имплементация қилишга оид таклиф ҳамда тавсиялар билдирилган.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини ривожлантиришга оид муҳим ислоҳотлар амалга оширилаётган бугунги кунда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олишда фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий ҳамкорлигига оид хорижий тажрибани ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш, яъни улардаги ҳамкорликнинг шакллари, усуллари ва тамойилларини тадқиқ этиш орқали уларнинг илғор ютуқларини миллий тизимимиз ва қонунчилигимизга имплементация қилиш ўзига хос аҳамиятга эгадир. Хусусан, бугунги кунда дунёдаги мавжуд 200 дан ортиқ давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик муҳим ўрин тутади.

Айтиш мумкинки, ҳозирги глобаллашув даврида Европанинг кўпгина мамлакатларида давлат органлари, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан жамоат тузилмалари бўлмиш фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги корпоратив ҳамкорлик кенг ривож топган. Мисол учун, Швеция, Дания, Австрия ва бошқа давлатларда «полициянинг дўстлари» номли клублар шаҳобчаси анча кенг тарқалган. Муниципал даражада полиция билан ҳамкорлик Кенгашлари фаолият юритади. Улар уч томонлама шартномалар, яъни полиция идораси, маҳаллий маъмурият ва аҳоли турар жойларидаги жамоатчилик тузилмалари ўртасида тузиладиган шартномалар асосида фаолият олиб боради<sup>1</sup>. Яна шунга ўхшаш

<sup>1</sup> Казаков С.О. Основные формы социального партнерства в России и Германии: сравнительно-правовой анализ. – Автореф. ... канд.юрид.наук. – М., 2015. – С.22-23.



«трипатризм» тамойили Германия, Бельгия, Испания, Португалия мамлакатларида ҳам давлат органлари билан фуқаролик жамиятининг ижтимоий шериклигининг асосини ташкил этади<sup>2</sup>. Ушбу ҳамкорликни самарали ташкил этилиши шахсларнинг ва жамият ҳамда давлатнинг манфаатлари бирдек рўёбга чиқишига хизмат қиладиган, мамлакатнинг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатадиган омиллардан биридир.

Хусусан, бугунги кунда хорижий мамлакатлардаги вазирликлар даражасида ўз йўналишида нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликни ташкил этувчи алоҳида тузилмаларнинг мавжудлигини давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатаётган амалиёт сифатида қайд этишимиз мумкин. Масалан, ҳукумат даражасида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи алоҳида вазирлик ташкил этиш амалиётини Қозоғистон Республикаси мисолида кўришимиз мумкин, яъни 2016 йилда ушбу давлатда «Дин ва фуқаролик жамияти институтлари вазирлиги» ташкил этилган.

Шу билан бирга, баъзи ҳолларда маълум бир вазирлик амалда барча фуқаролик жамияти институтларига тааллуқли вазифалар ёки дастурларнинг бажарилиши учун масъуллигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, Словакия Ички ишлар вазирлиги барча ноҳукумат ташкилотларни рўйхатга олиш билан шуғулланади ёки Польшада 2003 йил июнида қабул қилинган «Ижтимоий фойдали ташкилотлар ва кўнгиллилик тўғрисида»ги янги қонуннинг ижроси учун Меҳнат ва ижтимоий масалалар вазирлиги масъуллигини қайд этишимиз мумкин<sup>3</sup>.

Қайд этилган хорижий амалиётни мамлакатимиз мисолида кўрадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»<sup>4</sup>ги қонунига биноан, нодавлат нотижорат ташкилотлар (кейинги ўринларда ННТ)ни давлат рўйхатидан ўтказиш адлия органлари томонидан амалга оширилади, яъни, ННТни рўйхатга олиш, ҳисобини юритиш Адлия вазирлигига юклатилган ва фақатгина шу вазирлик улар билан алоқада. Лекин, кўплаб вазирликлар ўз йўналишида фаолият олиб бораётган ННТ билан самарали ҳамкорлик қилмайди. Бунинг ҳуқуқий механизмлари ҳам, институционал асослари ҳам шаклланмаган. Масалан, Меҳнат вазирлиги, Таълим вазирлиги ёки Ички ишлар вазирлиги мисолида бунинг кузатиш мумкин. Улар тизимида ННТ билан ишлаш бўлими мавжуд эмас<sup>5</sup>.

Шу ўринда бир масалани, яъни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга

<sup>2</sup> Казаков С.О. Ўша манба, – С.22-23.

<sup>3</sup> Боржелли Н. Давлат ва фуқаролик жамияти ҳамкорлиги // Ижтимоий шериклик ва давлат қарорларини қабул қилишда жамоатчилик иштироки масалалари бўйича халқаро тажриба / тузувчилар: Н.Боржелли ва бошқ; таржимонлар: Э.М.Эрназаров, О.О.Оқюлов. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази. –Т., ART FLEX. – 2012. – Б. 33-38.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

<sup>5</sup> Якубов Ш.У. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари. Монография. Т. 2018 й. – Б.139.



доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>6</sup>ги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юклатилган «нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини юритиш, уларнинг давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилишга кўмаклашиш» деб белгиланган, яъни нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш вазифасини жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича зиммасида кенг ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўлган ички ишлар органларига олиб бериш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Сабаби, Ички ишлар вазирлиги тизимида назорат лицензия фаолияти билани шуғулланувчи бўлинмалар фаолият юритади ва ушбу вазифани мазкур бўлинмаларга тегишли штат бирликлари ажратган ҳолда бир йўналиш сифатида бириктириш масаласини кўриб чиқиш лозим. Зеро, бугунги глобаллашув ва инсониятнинг тинч ҳамда осуда ҳаёти учун таҳдидлар кўпайган бир даврда хавфсизлик нуқтаи-назаридан ҳам ушбу ваколатни ички ишлар органларига ўтиши мақсадга мувофиқдир. Бошқача айтганда, ташкил этилаётган фуқаролик жамияти институтларининг мақсади ва келгуси фаолиятини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида назорат қилишда Адлия вазирлигига қараганда ички ишлар органлари кенг куч ва имкониятларга эга. Хусусан, юқорида ҳам Словакия Ички ишлар вазирлиги барча НХТларни рўйхатга олиш билан шуғулланиши қайд этилган эди.

Ушбу субъектларнинг ўзаро самарали ҳамкорлигига оид ижобий хорижий тажрибалардан яна бири – икки сектор вакилларида иборат расмий маслаҳатлашув органларининг ташкил этилганлигидир. Расмий маслаҳат-лашув органлари яъни, бундай кенгашлар ёки қўшма қўмиталарнинг вазирликлар даражасида шакллантирилганлигини ҳамда уларнинг ҳукумат ҳузурида (Чехия Республикаси, Словакия, ва Хорватияда) ташкил этилганлигини қайд этиш лозим. Мисол учун, Польшанинг «Ижтимоий фойдали фаолият тўғрисида»ги қонунига асосан, Ижтимоий фойдали фаолият бўйича кенгаш ташкил этилган. 2004 йилда фаолиятини бошлаган мазкур кенгаш ўз фикрини ифода этадиган ва қонуннинг ижроси учун масъул бўлган Иқтисодиёт, меҳнат ва ижтимоий муҳофаза вазирига тавсиялар тайёрлайди. Кенгаш йигирма аъзосининг ярми – давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг вакиллари, иккинчи ярми эса ноҳукумат ва черков хайрия ташкилотларининг вакиллари. Умуман, мазкур Кенгашнинг вазифаси – «Ижтимоий фойдали фаолият ва кўнгиллилик тўғрисида»ги қонун ижросини, қонунни қўллаш давомида пайдо бўладиган муаммоларни ўрганиш, шунингдек мазкур соҳада ахборотларни тўплаш ва таҳлил этиш ҳисобланади. Бундан ташқари, Кенгаш «Ижтимоий фойдали фаолият

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ–3666-сонли Қарор // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz> .



тўғрисида»ги қонунни бажариш билан боғлиқ низолар пайдо бўлганда, ташкилотлар билан давлат ҳокимиятлари ўртасида воситачилик қилади<sup>7</sup>.

Шунингдек, Россия Федерацияси амалиётида ички ишлар органлари (полиция)нинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигига оид муҳим ҳужжат – ички ишлар органлар (полиция)нинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги Концепцияси қабул қилинган<sup>8</sup>. Унга кўра фуқаролик жамияти институтлари орасида асосий субъектлардан бири бўлган оммавий ахборот воситаларининг полиция билан ҳамкорлиги қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади: ишончлилик; оммабоплик (яъни, ахборот олиш имкониятлари ва шарт-шароитлари яратилганлиги); ахборотнинг холислиги, очиқлиги ва оммавийлиги; ахборотнинг оммавий муҳокама қилиш мумкинлиги<sup>9</sup>.

Шу билан бирга, айрим хорижий давлатларнинг бошқарув органлари ҳузурида турли даражадаги жамоатчилик кенгашлари ташкил этилган. Масалан, Франция Конституциясининг 11-бўлимига мувофиқ Иқтисодий, ижтимоий ва экологик кенгаш фаолият кўрсатади ҳамда Конституциянинг 69-моддасига асосан, Кенгаш Ҳукуматнинг сўровига мувофиқ қонунлар, ордонанслар ёки декретлар лойиҳаси юзасидан ўз ҳулосасини тақдим этади<sup>10</sup>.

Ўзбекистон амалиётида ҳукумат ҳузурида «учинчи сектор» фаолиятини мувафиқлаштириш бўйича алоҳида кенгашлар бўлмаса-да, айрим вазирликлар ва бошқа тузилмалар таркибида буни учратиш мумкин. Масалан, 2011 йилдан буён фаолият юритаётган Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, шунингдек, 2016 йил декабрдан бошлаб фаолият олиб бораётган Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Жамоатчилик маслаҳат кенгаши<sup>11</sup> ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши<sup>12</sup> мавжуд.

<sup>7</sup> Государство и гражданское общество: практика эффективного взаимодействия. Международный опыт: сб. ст. и док. / сост. Е. Б. Тонкачёва, Г. Б. Черепок. – Минск: ФУ Аинформ. – 2009. – С. 79–82.

<sup>8</sup> Осинов Е.С. Взаимодействие СМИ и ОВД в предупреждении и профилактики преступлений. – // Правовая культура, 2010. №2, – С.174-184.

<sup>9</sup> О полиции. Федеральный закон от 07.02.2011 г. №3 – Ф3 // Собрание законодательства РФ (СЗРФ). 2011. №7. ст.900.

<sup>10</sup> Ширинов Ж. Жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайти: [www.parliament.gov.uz](http://www.parliament.gov.uz).

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Жамоатчилик маслаҳат кенгаши тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2016 й. 9 декабрдаги буйруғига илова // Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг расмий веб-сайти – [mitc.uz](http://mitc.uz).

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 26. 583-модда.



«2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»<sup>13</sup>да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>14</sup>ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан, эндиликда ҳар бир давлат ташкилоти ҳузурида, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳузурида жамоатчилик кенгашлари тузилди. Жамоатчилик кенгашларининг асосий вазифаси давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, фуқаролар ва давлат органлари ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини бажариш ҳисобланади. Жамоатчилик кенгашлари давлат органи раҳбарининг қарорига асосан тузилиб, жамоатчилик кенгаши аъзолигига, қоида тариқасида, давлат органида намунали хизмат кўрсатган меҳнат фахрийлари, жамоатчилик фаолияти соҳаларида катта амалий тажрибага эга обрў-эътиборли фуқаролар, шунингдек, ННТ, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари қабул қилинади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 16 ноябрдаги «Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 442-сон буйруғига асосан, «Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши» ташкил этилган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги «Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>15</sup>ги ПҚ-10-сон қарорига мувофиқ, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини тизимли равишда амалга ошириш ва жамоатчилик билан ҳамжиҳатлик руҳида ишлашни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2023 йил 11 март кундаги «Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 122-сон буйруғига биноан, Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар Ички ишлар бошқармаларида жамоатчилик кенгашлари фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлда «Давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги «Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-10-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.



кенгашларнинг ташкил этилганлиги, ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш-га хизмат қилади албатта. Шу ўринда яна бир муҳим масала шундан иборатки, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олишда фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлиги ташкил этиш учун Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий органларидаги жамоатчилик кенгашларини нафақат марказий аппаратларда балки, ички ишлар органларининг қуйи ҳудудий органлари (туман-шаҳар ички ишлар бўлимлари)да ҳам ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Сабаби, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олишдаги асосий амалий жараёнлари асосан қуйи тизимлар фаолият юритадиган ҳудудларда амалга оширилади ва у ерда қонун устуворлигини таъминлаш, мансабдор шахслар фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳамда ҳуқуқбузарликларни олдини олишдаги ҳамкорлик масаласи алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шу ўринда ҳуқуқбузарликларни олдини олишдаги ҳамкорликка оид Буюк Британия амалиётини ҳам алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, ушбу давлатда полициянинг фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигининг қуйидаги турлари мавжуд:

- халқ ўзининг яшаш ҳудудида доимий кузатувни олиб боради ва содир бўлаётган шубҳали ҳолатлар бўйича полицияга маълумот бериб туради ҳамда полиция ҳам ўз ўрнида шундай кузатув гуруҳи жамоаларини қўллаб-қувватлайди;
- фуқаролар назорат олиб бориш жараёнларида бевосита иштирок этишади ва зарурат бўлганда ҳуқуқбузарларни тартибга чақиришади;
- полиция ходимлари томонидан ўтказиладиган тарғиботлар натижасида фуқаролар ўзларининг ҳатти-ҳаракатларини яхши томонга ўзгартирадилар;
- фуқаролар давлат раҳбариятидан полиция ходимларининг фаолияти учун қўшимча маблағлар ажратилишини ҳамда ҳудудий ўзини ўзи бошқариш органларидан қўшимча полиция тузилмаларини ташкил этишни сўрашлари мумкин;
- полицияга фуқаролар ўзларининг номидан ҳаракат қилиш ҳуқуқини беришлари мумкин ва бу билан полициянинг фаолияти натижалари жамоатчилик томонидан тасдиқланади ва полициянинг фаолияти рағбатлантирилади<sup>16</sup>.

Бундай амалиётни Америка қўшма штатлари (АҚШ)да ҳам кузатишимиз мумкин. Хусусан, АҚШда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва профилактика ишларини олиб боришга аҳолини кенг жалб қилиш ривожланган бўлиб, у ерда кўнгиллилардан иборат «*полиция ёрдамчилари жамоатчилик институти*» мавжуд. Улар скаутчилар ҳаракатининг филиали ҳисобланади. Ушбу кўнгилли ёрдамчилар ҳудудий полициянинг жамоатчилик билан ишлаш бўлими раҳбарлигида ўзининг фаолиятини олиб боради<sup>17</sup>. Шу ўринда, АҚШ амалиётидаги яна бир ҳолатга эътибор қаратсак, яъни, у ерда сўнгги йилларда

<sup>16</sup> Morgan Rod, Newfurn Tim. The Future of Policing. – Oxford: 1997.P.79; Reiner Robert. Chief Constables. Oxford University Pres, 1991. – P. 5-22.

<sup>17</sup> Егорышев С.В. Из зарубежного опыт взаимодействия правоохранительных органов с общественностью // Вестник Академии экономической безопасности МВД России, 2008. №4. – С. 122.



полицияга кўмаклашиш мақсадида мурожаат этган кўнгилли фуқароларга шерифлик бўлинмалари томонидан жамоатчилик тузилмалари-нинг ҳудуд хавфсизлигини кўзатиш клуби, жамоатчилик академиялари кўнгилли фуқаролари ва патрулда иштирок этувчи кўнгиллилар каби дастурлар таклиф этилади. Шу каби кўнгилли гуруҳлардан бири – дастлаб, Нью-Йорк метросида тартибни сақлашда полицияга ёрдам бериш мақсадида ташкил этилган «*Кўриқчи фаришталар*» гуруҳи бўлиб, бугунги кунда мамлакатнинг 30 дан ортиқ шаҳарларида фаолият юритмоқда<sup>18</sup>.

Шунингдек, АҚШда аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда полициянинг жамоатчилик билан ҳамкорлигига оид сўнгги 12-15 йил ичида «*компьюнти полисинг*», яъни «*жамоат полиция хизмати*» принципага асосланган концепция фаол амал қилмоқда. Бунда полициянинг асосий эътибори микротуманларга қаратилиб, бир томондан, фуқароларнинг турмуш тарзини ўзгартиришга ёрдам берилди, иккинчи томондан, ҳар бир фуқаронинг жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларни олдини олишга ҳиссасини қўшиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди. Натижада, полиция билан фуқаролар ўртасидаги ўзаро ишончга асосланган муносабатлар самара бера бошлади<sup>19</sup>.

АҚШ каби ривожланган давлатлардан бўлмиш Германия қонунчилигига кўра, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, иш берувчи билан ишлаб чиқариш Кенгаши ўртасидаги музокаралар, албатта, тегишли тавсияларни қабул қилиш билан яқунланиши шарт<sup>20</sup>, деб кўрсатилган бўлса, Японияда, аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш полициянинг қўйи бўғинлари – полиция пост ва пунктлари томонидан амалга оширилади. Мамлакатда жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтириш полиция фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилишини яхши тушунган Япония ҳукумати аҳоли турар жойларида полиция пост (Koban) ва пунктларининг фаолиятини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратган. Ушбу тизимга Мейдзи даврида (1874 йилда) асос солинган бўлиб, 1982 йилнинг бошига келиб мамлакатда 9446 та полиция пости ва 6053 та полиция пункти аҳолига хизмат кўрсата бошлаган<sup>21</sup>.

Мазкур қайд этилган хорижий давлатлар амалиётини мамлакатимиз мисолида солиштириб кўрадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича

<sup>18</sup> Майоров В.И. Организация деятельности по охране общественного порядка в США, странах Европы и России. – Челябинск, 2003. – С.41.

<sup>19</sup> Латипов Б.И. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш. Ю.ф.б.ф.д. (PhD) диссертацияси. –Т. 2019. – Б.140.

<sup>20</sup> Казаков С.О. Основные формы социального партнерства в России и Германии: сравнительно-правовой анализ. – Автореф. ... канд.юрид.наук. – М., 2015. – С.24.

<sup>21</sup> Морозов Н.А. Преступность в современной Японии: проблемы криминологической и уголовно-правовой политики: Дисс. ... д-ра. юрид. наук. – М., 2016. – С. 285.



қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>22</sup>ги ПҚ-4075-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 мартдаги «Ички ишлар органлари профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»<sup>23</sup>ги 251-сон қарорига мувофиқ, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органларига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари фаолияти йўлга қўйилган ҳамда уларнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- тегишли ҳудудда хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг огоҳлигини ошириш, тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ички ишлар органларига кўмаклашиш;
- ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг, шунингдек, ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришда иштирок этиш;
- фуқаролар, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий тарғибот ишларини ўтказишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилиш;
- вояга етмаганлар ҳамда ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик ғояларига содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш, турли мафкуравий таҳдидлардан асрашга қаратилган тадбирларни ўтказишда иштирок этиш;
- «Фидокор ёшлар» жамоатчилиги патруль гуруҳлари, «Жамоатчилиги назорати масканлари» фаолиятини кунлик назорат қилиш ва мувофиқлаштириб бориш.

Айтиш мумкинки, дунёда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам ҳуқуқбузарликларни олдини олиш масаласи ғоятда муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ҳуқуқбузарликларни олдини олишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик, ушбу фаолиятни амалга оширувчи субъектлар фаолиятини анча самарали ташкил қилишга хизмат қилиши табиий ҳолдир. Ушбу имкониятдан янада унумли фойдаланиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги Ташкилий департаменти таркибида *ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни мувофиқлаштириш бўлимини* ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Сабаби, ички ишлар органларидаги мониторинг фаолияти Ички ишлар вазирлиги Ташкилий департаментига юклатилган, шу билан бирга ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фақатгина ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-4075-сон қарори //

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 мартдаги «Ички ишлар органлари профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ги 251-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.



вазифаси бўлиб қолмасдан тизимидаги барча таркибий тузилмалар ўз функционал мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда мазкур фаолиятни амалга оширишга масъул ҳисобланади. Бу борадаги хорижий давлатлар тажрибасидан ҳам кўришимиз мумкинки, масалан, Франция Ички ишлар вазирлигида нодавлат сектор билан ишлайдиган алоҳида бўлим мавжуд. Мазкур бўлим ҳуқуқбу-зарликлар сони ортган ҳудудларга махсус фуқаролик жамияти институтла-рини ва кўнгиллиларни юбориб, у ерларда махсус тўғараклар, тренинглари ташкил этади. Ёшларни шу тариқа жалб этиб, бўш вақтини мазмунли ўтказишга йўналтиради. Бундай долзарб масаларни ҳал этиш учун вазирлик томонидан махсус маблағлар ҳам ажратилади.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, юқорида ўрганилган ва таҳлил қилинган хорижий тажрибанинг ижобий жиҳатларини миллий тизимимизга яъни, мамлакатимизнинг давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигига, хусусан, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш ва такомиллаштириш жараёнларига жорий этиш ўзининг ижобий натижасини беради. Бир сўз билан айтганда, мамлакат ижтимоий ҳаётида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашишда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан шаффофлик асосида ўзаро ҳамкорликни ўрнатишлари давр талабига айланиб бормоқда десак муболаға бўлмайди.